



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ**

РАИС ҚАРОРИ

Тошкент ш.

№ 105

«31» декабрь 2020 йил

**Илмий даражалар берувчи илмий кенгашларнинг
таркиби ва диссертациялар ҳимоясига рухсат берилган
ихтисосликлар рўйхати ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом” ва “Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом” асосида ОАК Раёсатининг 2020 йил 31 декабрдаги 290/2-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи илмий кенгашларнинг 2020 йилдаги фаолияти маълумот учун қабул қилинган ҳолда илмий кенгашларнинг янгиланган таркиби ва диссертациялар ҳимоясига рухсат берилган ихтисосликлар рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. ОАК веб-сайтида 2020 йилнинг 31 декабригача диссертациялар ҳимояси ҳақидаги маълумотлар эълон қилинган диссертациялар ҳимоясини самарали ташкил қилиш мақсадида илмий кенгашларнинг янгиланган таркиби ва диссертациялар ҳимоясига рухсат берилган ихтисосликлар рўйхати 2021 йил 15 январидан бошлаб амалиётга жорий этилсин.

3. Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари ҳамда илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар раислари таркибнинг Ўзбекистон Республикаси «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом» талабларига мувофиқлигини назорат қилсинлар.

4. Илмий даражалар берувчи илмий кенгашларга аъзоларининг илмий даражали мутахассислар тайёрлаши, Хирш индекси даражасини ошириб бориш ҳамда халқаро илмий-техник базалардаги журналларда, айниқса “Web of science” ва “Scopus” базаларидаги журналларда мақолалар чоп этиш борасидаги фаолиятларини фаоллаштириш, шунингдек бундан буён илмий кенгашлар таркибидаги ўзгаришларни амалга оширишда, жумладан ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги тавсия этилсин.

Раис

А.Т. Юсупов

Гулистон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/27.02.2020.F.91.02 рақамли илмий кенгаш таркиби

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Илмий кенгашдаги ихтисослик шифри	Иш жойи, лавозими, илмий даражаси, илмий унвони <i>Изоҳ:</i> тегишли ҳолларда ўриндош ва илмий лойиҳа раҳбарлиги	Илмий даража олган шогирдлари сони (нафар)	Хирш индекси	Нашр ишлари сони			
							Жами	жумладан	Халқаро илмий-техник базалардаги журналларда (сони)	жумладан
								2017-2020 йй.		«Scopus» ва «Web of science», базалардаги журналларда (сони)
1	Тожиев Ёрмат (раис)	1942	10.00.01	Гулистон давлат университети, кафедра профессори, филология фанлари доктори	21	0	189	17	3	0
2	Раҳмонов Насимхон Асқарович (раис ўринбосари)	1952	10.00.02	Ўзбекистон миллий университети, кафедра профессори, филология фанлари доктори	8	2	241	49	2	0
3	Маматкулов Музаффар Раҳмонкулович (илмий котиб)	1973	10.00.02	Гулистон давлат университети, кафедра доценти, филология фанлари номзоди	0	0	82	21	3	0
4	Хусанбоева Қундузой Парпалиевна	1956	10.00.02	Гулистон давлат университети, кафедра доценти, педагогика фанлари доктори	4	0	173	38	4	0
5	Маматов Абдугафур Эшонкулович	1955	10.00.01	Жиззах давлат педагогика институти, кафедра профессори, филология фанлари доктори	5	18	203	43	7	3
6	Менглиев Бахтиёр Ражабович	1965	10.00.01	Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, кафедра профессори, филология фанлари доктори	25	3	167	37	8	5


GA TO'G'RI

7	Жуманазаров Умурзоқ Абдураззоқович	1956	10.00.02	Жиззах давлат педагогика институту, кафедра профессори, филология фанлари доктори	6	8	325	60	5	3
8	Нормаматов Султонбек Эрмаматович	1978	10.00.01	Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, кафедра доценти, филология фанлари доктори	0	0	168	34	4	0
9	Рахимжанов Нугман Каримович	1944	10.00.02	Гулистон давлат университети, кафедра профессори, филология фанлари доктори	12	0	353	32	4	0
10	Шарипов Фазлиддин Галиевич	1974	10.00.01	Гулистон давлат университети, кафедра доценти, филология фанлари номзоди	0	0	47	17	2	0
11	Ўлжабоев Умурзоқ	1942	10.00.02	Гулистон давлат университети, кафедра доценти, филология фанлари номзоди	1	0	197	21	1	0
12	Абдуллаев Жуманазар Худойбердиевич	1956	10.00.01	Гулистон давлат университети, кафедра доценти, филология фанлари номзоди	0	0	82	16	1	0

Илмий кенгашга диссертациялар химоясини ўтказишга рухсат берилган ихтисосликлар:

10.00.01 – «Ўзбек тили»

10.00.02 – «Ўзбек адабиёти»

Ўзбекистон Республикаси
Ташқиқот